
Байрам кунлари 2 нафар ўғил ва қиз фарзандлар отаси билан ярашишга қарор қилди

Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 26.04.2022 йил кунги ижро варақасига асосан мазкур суднинг 02.05.2016 йил кунги ҳал қилув қарори билан қарздор (ўғиллар) К.Р. ва С.Р.лардан (ўғил фарзандлар) ундирувчи отаси С.Р. нинг моддий таъминоти учун ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг $\frac{1}{2}$ қисми миқдорида алимент ундириш ҳамда мазкур суднинг яна бир ҳал қилув қарори билан қарздор К.К.дан (қиз фарзанди) ундирувчи отаси Р.С. нинг моддий таъминоти учун ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг $\frac{1}{4}$ қисми миқдорида алимент ундириш қисми, базавий ҳисоблаш миқдорининг $\frac{1}{3}$ қисми миқдорида алимент ундиришга деб ўзгартирилган.

Олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида муборак “Қурбон Хайити” байрами арафасида қарздор фарзандлар ва ундирувчи ота ўзаро келишиб ярашишди.

Ижро ҳужжати ундирувчи отанинг аризасига кўра Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқалар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 40-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан тамомланди.

2022-07-14 09:43:08